

I



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

2021 йил «8» сентабр

100-10-0-F/21

Тошкент вилояти ҳокимилиги

Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 июлдаги 1-10-0-F/21-сон ҳамда 2021 йил 10 июлдаги 6-10-0-F/21-сон фармойишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан, “Маданий алмашинув ва хорижий тилларни ўрганиш” бўйича биринчи Тошкент вилояти форуми яқунларига кўра Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармасининг 2021 йил 5 августдаги 02-06/311-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5124-сон қарорида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2021 йил 6 августдаги 01/2475-сон хатларини инобатга олиб:

1. Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 июлдаги 1-10-0-F/21-сон ҳамда 2021 йил 10 июлдаги 6-10-0-F/21-сон фармойишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 июлдаги 1-10-0-F/21-сон ҳамда 2021 йил 10 июлдаги 6-10-0-F/21-сон фармойишларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Файзиев зиммасига юклансин.

Toshkent viloyati hokimi



Д. Хидоятлов

Тошкент вилоят ҳокимининг
2021 йил 8 сентябрдаги
100-10-0-F/21-сон
фармойишига
1-илова

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 июлдаги 1-10-0-F/21-сон
ҳамда 2021 йил 6 июлдаги 6-10-0-F/21-сон фармойишларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 6 июлдаги 1-10-0-F/21-сон фармойишининг 1-банди қуйидагича таҳрир этилсин:

“Вилоят маҳаллий бюджетининг II чорак якуни билан шаклланган даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастури доирасида Олмалиқ шаҳрида ўтказиладиган “Маданий алмашинув ва хорижий тилларни ўрганиш” бўйича биринчи Тошкент вилояти форумини юқори савияда ташкиллаштириш ҳамда “Ёшлар маркази” биносини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида ҳудудда “Street workout” спорт майдончаси барпо этиш, бино атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда йўлакларини жорий таъмирлаш харажатларини амалга ошириш учун Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармасига 789 004,0 (етти юз саксон тўққиз миллион тўрт) минг сўм маблағ ажратилсин.”

2. Тошкент вилояти ҳокимининг 2021 йил 10 июлдаги 6-10-0-F/21-сон фармойиши бўйича:

а). Фармойишнинг 1-банди қуйидагича таҳрир этилсин:

“Вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил II чорак якуни билан шаклланган даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан тор доирадаги хизматлар йўлга қўйиладиган ҳудудий тиббиёт муассасаларини юқори технологик ускуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ 1 073 024,0 (бир миллиард етмиш уч миллион йигирма тўрт) минг сўм маблағ ажратилсин.”

б). Фармойишнинг 4-банди қуйидагича таҳрир этилсин:

“Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Т.Арзикулов) вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази билан биргаликда ажратилган маблағни белгиланган тартибда мақсадли ва самарали сарфланишини таъминласин.”

в). Фармойишнинг иловаси қуйидагича таҳрир этилсин:

**Тошкент вилояти бўйича тор доирадаги хизматлар йўлга қўйиладиган
худудий тиббиёт муассасасини юқори технологик ускуналар ва тиббиёт
воситалари билан таъминлаш юзасида маълумот**

минг сўм

№	Муассаса номи	Тиббий жихозлар номи	Суммаси
1	Вилоят Кўп тармоқли тиббиёт маркази	Видеоэндохирургик (Лапароскопик) жаррохлик жамланмаси	1 073 024